

**Корхоналар ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий  
таърифи**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 20246 тани ташкил қилиб, шундан 18739 таси ёки 92,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5368 та (26,5 фоизи), саноат 3384 (16,7 фоизи), қурилиш 1612 та (8,0 фоизи) ва қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 1418 та (7,0 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>20246</b>	<b>100,0</b>	<b>18739</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1418	7,0	1330	7,1
саноат	3384	16,7	3252	17,4
қурилиш	1612	8,0	1415	7,6
савдо	5368	26,5	4667	24,9
ташиш ва сақлаш	662	3,3	633	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	813	4,0	735	3,9
ахборот ва алоқа	334	1,6	314	1,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	639	3,2	617	3,3
бошқа фаолият турлари	6016	29,7	5776	30,7

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 85,4 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 33,4 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 51,5 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 январь ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



- Давлат мулки
- Хусусий корхоналар мулки
- Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар
- Бошқа мулкчилик шакллари

2016 йил январь-декабрда жами 2031 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1963 та). Уларнинг асосий қисми Уларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 39,3 фоизи), Чуст (8,0 фоиз), Наманган (8,0 фоиз), Поп (6,2 фоизи), Тўрақўрғон (6,0 фоизи), Косонсой (5,6 фоизи) ва Уйчи (5,0 фоиздан) туманларига тўғри келади.

Вилоятда 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатдан ўтган саноат корхоналари сони 3384 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 3252 тани ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 27,5 фоизи саноат, 29,7 фоизи савдо ва 5,7 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1293 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 537 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 41,5 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2016 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

